

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№42 (6.567). Sotuvda erkin narhda



Кўннинг муҳим воқеалари

- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация технологиялари (АКТ) таракқийнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**
- **Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўриқмашиқлари учун «Ташаббус - 2003» танлови бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Хитой Халқ Республикаси Давлат божхона божкармаси бошқаруви аъзоси Е Цзянь раҳбарлигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.**
- **Жиззах вилоятининг бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари, чакирлик ёшдаги йигитлар Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округининг тоғ-дала ўқув-машқ майдонига бўлди.**
- **Пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида мисрлик мўйқалмақ усталари Аҳмад Муҳаммад Махмуд Сулаймон ва Муҳаммад Али Махмуд Насра асарларидан иборат «Бу ажиб Миср-2» кўргазмаси очилди.**
- **Тошкент давлат шарқшунослик институтида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда аҳолини, айниқса, ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, маънавий-маърифий тарбиятини янада кучайтириш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**
- **Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, ёш авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида бўлиб ўтган илмий кенгаш мажлисида ана шулар ҳақида сўз борди.**
- **Тошкент ресурс марказида «Ижтимоий хизмат: назария ва амалий фаолият: интеграциянинг келажиги» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**
- **Самарқанддаги Акмал Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари маданияти тарихи музейида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда «Америка гарбида родео» деб номланган суратлар кўргазмаси очилди.**
- **Пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида Ўзбекистон тарихи давлат музейи Бадий академияси билан ҳамкорликда анъанавий халқ хўрақлари кўргазмаси ташкил этди.**



Фаргона шаҳридаги «Uzsalaman» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси маҳсулотлари сифати, бежиримлиги билан ажралиб туради. Дастлаб эркаклар ёзги ва киши оёқ кийимларини ишлаб чиқара бошлаган корхона бугунги кунда эркак, аёл ва болаларнинг кирк турга яқин турли мавсумий пойабзалларини тайёрламоқда.

Айни чоғда корхона маҳсулотлари Россия, Қирғизистон ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари пойабзал бозорларида ўз ўрнини топди. Бундай ишонч эса «Uzsalaman»нинг келажиги порлок эканига далалатдир.

СУРАТЛАРДА: 1. Бичувчи Хадича Қаҳҳорова. 2. Корхонаси ишчиси Абдуғаффор Қориев.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Авал хабар қилинганидек, 24 апрель куни иккинчи чакирлик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлади. Шу муносабат билан сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, унга Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Ф.Муҳтидинова бошчилик қилмоқда.

Мазкур ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритиш мўлжалланаётган ўзгариш ва қўшимчалар, мамлакатимизнинг икки палатали парламентига сайлов тўғрисидаги Қонун лўйхаси, 2002 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқиладиган навбатдаги парламент сессиясининг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Сессияни юксак сиёсий, ташкилий савиёда, депутатларнинг самарали ишлашлари учун барча зарур шарт-шароитларни таъминлаган ҳолда ўтказиш зарурлиги қайд этилди. Сессиянинг муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан парламент қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари ҳамда ҳокимият ва-

килик органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари бу муҳим тадбирга қанчалик пухта тайёргарлик кўришига боғлиқдир.

Йиғилишда сессия муҳокамага киритилаётган барча ҳужжатлар лўйхаларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш бугунги куннинг асосий вазифаси эканига ҳам эътибор қаратилди. Мамлакатимиз қонун чикарувчи олий органининг бўлғуси сессияси билан боғлиқ бошқа бир қанча масалаларни ҳам эътиборини унутмаслик кераклиги ҳам қайд этиб ўтилди.

Депутатлар ишчи гуруҳининг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида унинг таркибига унча кичик гуруҳ тузилди. Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитасининг раиси М.Сафаева бошчилигидаги биринчи кичик гуруҳнинг асосий вазифалари Олий Мажлис муҳокамага киритилаётган қонун лўйхалари ўз вақтида тайёрлигини, сессия материаллари депутатлар олдиндан юборилишини таъминлашдан, норматив ҳужжатларнинг лўйхалари юзасидан тушган тақлифлар ва мулоҳазаларни умумлаштириб боришдан иборат.

Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ҳ.Ҳошимов бошчилигидаги иккинчи кичик гуруҳ журналистлар-

ни аккредитация қилиш масалаларини ҳал этади, парламент сессиясига тайёргарлик ва сессия иши оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилишини, «Рада-Мажлис» электрон овоз бериш тизимининг пухта ишлашини, ялли мажлислар иштирокчиларининг маъруза ва нутқлари синхрон таржима этилишини таъминлайди.

Учинчи кичик гуруҳ депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга транспорт, тиббий, миший, маданий ва бошқа хизматлар кўрсатилиши масалалари билан шуғулланади. Бу кичик гуруҳга Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг раиси И.Қаландаров бошчилик қилади.

Депутатлар ишчи гуруҳининг аъзолари бўлғуси ишларнинг режасини батафсил муҳокама этди ҳамда сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир турли масалалар юзасидан ўз тақлифларини билдирди. Кичик гуруҳларнинг раҳбарлари қилинган ишлар тўғрисида мунтазам ҳисоб бериб бориши, тайёргарлик асосида келиб чиқадиган масалалар юзасидан фикр алмашишлари ҳамда бири-бирига зарур амалий ёрдам кўрсатиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Абдувоҳит Жўраев, республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари:

«Фармон қишлоқ хўжалиги тизимига, маҳсулот етиштирувчи ширкат ва фермерларга катта иқтисодий эркинлик берди. Энди ширкат ё фермерга бунча ақасан, бунча етиштирасан, деган гаплар айтилмайди. Ҳаммаси шартнома асосида, унга таянган ҳолда ҳал этилади. Бундан ташқари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги янги тузилмада Кенгашлар орқали қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасалар фаолиятини бозор муносабатларига мос равишда мувофиқлаштириб боради. Шу орқали қишлоқ хўжалигини бошқаришда мулкка янгица таъминот жорий этилади.

Асосий мақсад деҳқон манфаатдорлигини таъминлаш, ерни ижарага олган қишлоқ тоғ маънода эркинлик бериш. Шу боис асосий бошқарувчилик ваколати вазирликдан унинг жойлардаги бошқармаларига берилди. Мазкур Фармон фермер хўжалиқларининг янада ривожланишига катта туртки беради. Улар ўзларини энди барча иқтисодий муносабатларда эркин сездилади. Шартнома ҳақиқий маънода қишлоқ хўжалиги тизимининг ўзагига айланди.

Соҳибжон ҚОБИЛОВ, республика деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюشمаси раиси:

«Фармонда ҳадемай асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжалиқларини ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Жорий йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчиларига, жумладан, фермер хўжалиқлари фаолиятига катта эркинлик берилди. Уларнинг муштукли фаолият юритишини таъминлаш мақсадида давлат буортмаси учун етиштириладиган пахта ва дон экинларини контрактация шартномалари «пастанд тегана» таъминлиги кўра туман, вилоят ва республика миқёсида (пахта ва дон етиштириш истиқбол кўрсаткичлари ҳисобига) амалга оширилди.

2004 йилдан бошлаб барча ширкат ва фер-

ЭРКИНЛИК — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ўқиб...

Катта ниятлар билан ерни ижарага олган зукко деҳқон кетмон кўтариш ё нуқул меҳнат қилиш билан чекланмайди, газета, китоб ўқийди, телевизор кўради, зўр тажриба, янгиликни даласида қўллайди ҳам. Қонунчиликда ўзгаришлар ҳам, Президентимизнинг ҳар бир чиқишлари, соҳага эътибори ҳам унинг диққат марказида туради.

«Юртбошимизнинг Оқсаройда қишлоқ хўжалиги тизимига бағишлаб ўтказган йиғилишдаги гапларини жонқоқ бўлиб эшитдим, - дейди пайриқлик фермер Билибой Хушвақтов. - Президентимиз бор гапни очик-ошкора айтди. Аслида ҳам шундай, деҳқонни қийнаётган муаммолар кўп. Кўпинча шартнома қозғоғда қолади. Айтилик, МТП билан шартнома тузасиз, ерни хайдаш бўйича. Минг илтимос билан «Мағнум» келади, аммо далага кирмайди. Нима гап денг. Солякка қуйинг, дейди. Ёнигли омиборига югурасиз. У эртага дейди. Қарабсизки, келиш-кетиши ҳаражатини бўйнингизга олиб «Мағнум»ни кетади боради. Унгит ҳам шундай. Ажаҳон, деб ялиниб-ёловориб оласиз. Бундай салбий ҳолатлар ишлаб чиқарувчини таъминотига муте қилиб қўймоқда. Бу аччиқ, аммо бор гап. Президентимиз муаммоларни таҳлил қилиб, шартнома устуворлиги масаласини алоҳида таъкидладилар. Мана, қўлимда газетангизнинг янги сони. Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонлари. Қайта-қайта ўқидим. Зўр. Деҳқоннинг елкасига энди офтоб тегади.

Дарҳақиқат, бугун деҳқонга эркинлик беришни, соҳада туб иқтисодий ислохотлар ясашни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Чунки бугунги деҳқон кеңаги содда киши эмас. Гарчи баъзи жойларда чек, шартнома ва бошқа ҳужжатлар тузуқроқ ишламаётган бўлса-да, ижарачилар фермерларнинг кўзи очилган. Улар ўз ҳуқуқи бўзилганда, адолатсизлик бўлганда «Нега?» деган саволни қўй олади. Президентимизнинг мазкур Фармони кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинганлиги ҳам шундан. Биз аграр соҳа мутасаддилари, мутахассислар, фермерлар билан боғланиб, уларнинг бу борадаги фикри билан қизиқдик.

МУНОСАБАТ

«Нега?» деган саволни қўй олади. Президентимизнинг мазкур Фармони кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинганлиги ҳам шундан. Биз аграр соҳа мутасаддилари, мутахассислар, фермерлар билан боғланиб, уларнинг бу борадаги фикри билан қизиқдик.

Абдувоҳит Жўраев, республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари:

«Фармон қишлоқ хўжалиги тизимига, маҳсулот етиштирувчи ширкат ва фермерларга катта иқтисодий эркинлик берди. Энди ширкат ё фермерга бунча ақасан, бунча етиштирасан, деган гаплар айтилмайди. Ҳаммаси шартнома асосида, унга таянган ҳолда ҳал этилади. Бундан ташқари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги янги тузилмада Кенгашлар орқали қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасалар фаолиятини бозор муносабатларига мос равишда мувофиқлаштириб боради. Шу орқали қишлоқ хўжалигини бошқаришда мулкка янгица таъминот жорий этилади.

Асосий мақсад деҳқон манфаатдорлигини таъминлаш, ерни ижарага олган қишлоқ тоғ маънода эркинлик бериш. Шу боис асосий бошқарувчилик ваколати вазирликдан унинг жойлардаги бошқармаларига берилди. Мазкур Фармон фермер хўжалиқларининг янада ривожланишига катта туртки беради. Улар ўзларини энди барча иқтисодий муносабатларда эркин сездилади. Шартнома ҳақиқий маънода қишлоқ хўжалиги тизимининг ўзагига айланди.

Соҳибжон ҚОБИЛОВ, республика деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюشمаси раиси:

«Фармонда ҳадемай асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжалиқларини ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Жорий йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчиларига, жумладан, фермер хўжалиқлари фаолиятига катта эркинлик берилди. Уларнинг муштукли фаолият юритишини таъминлаш мақсадида давлат буортмаси учун етиштириладиган пахта ва дон экинларини контрактация шартномалари «пастанд тегана» таъминлиги кўра туман, вилоят ва республика миқёсида (пахта ва дон етиштириш истиқбол кўрсаткичлари ҳисобига) амалга оширилди.

2004 йилдан бошлаб барча ширкат ва фер-

ТЕРАК - ҚАММАГА КЕРАК

Донишмандларнинг айтишига қараганда сердарахт бўлган қишлоқда ҳаво тоза, одамларнинг юзи чашма сувидек тиник бўлар экан. Балки шаҳарнинг диққинафас муҳитидан қочиб, табиат қўйнига, қир-адирлар бағрига интилишимизнинг боиси ҳам шундандир. Балки бизнинг ҳар баҳорни орзиқиб, интиқиб кутишимиз ҳам яшилликка ташналигимиздандир. Маълумотларга қараганда республикамиз умумий ер майдонининг

БУГУННИНГ ГАПИ

(умуммайдон 447 минг квадрат километр) 5,1 фоизи дов-дарактлар ва ўрмонлар билан қопланган. Бу озми-кўпми? Албатта жуда кам. Очигини айтганда эса гарчи ҳуқуқимиз томонидан ўрмончиликни ривожлантириш, ободончилик ишлари, қўчат экиш масаласига катта эътибор берилётган бўлса-да, жуда кўпчилик жойларда иш сифати талаб даражасида эмас. Бу мутахассисларнинг фикри.

(Давоми 3-бетда)

2003 ЙИЛ - ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Январ ойининг охириги кунлари. «Гулистон» маҳалласи ҳудудидидаги икки қаватли мухташам бинолардан бирининг олдида қизил рангли ян-янг «Титон» келиб тухтади. Бу ерда тулганган бир гуруҳ одамлар машинадан қилинган банд буйли, истариса иссиқ йиғитни табриқлай бошлади: «Муқофотга олинган «тулпор» инг қултуғ бўлсин!»

«Маҳалламизнинг яхши кунларига,

«ГУЛИСТОН» - ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

тинчилик, осойишталигига хизмат қилсин! Йиғилганларнинг самийи қулловлари бино ичкарасига қирилгандан кейин ҳам анчагача давом этди.

Бу одамлардаги хуш кайфият, самийи табриқлар боисини ҳали ҳам ўз ҳаяжонини боса олмаётган йиғит, 1-«Гулистон» милиция таянч пункти профилактика катта нозирни милиция лейтенанти Сапарбой Жумамуродов қисқача шарҳлади:

«Яқинда Тошкентда ўтказилган «Намуна» милиция таянч пункти кўрик-кўргазмаси мусобақаларида қатнашиб қайтдик.

(Давоми 2-бетда)

ФЕРМЕР ҲУҚУҚИНИ ЯХШИ БИЛАДИМИ?

Сўнгги йилларда ҳуқуқимизнинг тегишли қарорлари билан паст рентабелли, сурункали зарар кўриб ишлаётган 159 та қишлоқ хўжалик корхоналари фермер хўжалиқларига айлантирилди. Улар негизда 9 мингдан зиёд фермер хўжалиқлари ташкил этилди. Бир қатор туманлардаги барча хўжалиқлар тугатилиб, ерлар фермерларга бўлиб берилди.

Фермерларнинг ҳуқуқлари ва эътибори раёнида қатор нуқсонларга йўл қўйилди. Ҳа ҳудудларда яшовчи аҳолига бу ҳақда маҳаллий матбуотда етарлича маълумот берилмади. Сабаби, айнан шу масалаларни ижобий ҳал этиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳлар айрим туманларда фаол ишламади. Баъзи бир мансабдор шахсларнинг айби билан тугатилмаётган хўжалиқлардаги фермерларга берилиши лозим бўлган ер майдонларининг умумий ҳаритаси суғориш тармоқлари, ариқ ва зовурларнинг жойлашуви инобатга олинмасдан тузилди. Фермер хўжалиқлари раҳбарларини танлаш бўйича ўтказилган танловлар юзаки ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

ТА А С С У Ф

Митан деҳқон бозорининг дарвозасига туташ савдо дўкони гавжумлиги билан диққатимизни тортиди. Бирров кириб, нималар сотилаётгани билан қизиқдик. Қиррага кирдиғу, ортага қайтишга ҳаяллан қолдик.

Харидорларнинг охири кўринмас, бизга наваб келмасди. Сотувчи аёлнинг қўли-қўлига тегмас, ҳали чой, ҳали мой, қуртилган сут, хўжалик совуни, туз, ҳали чет эл егуликлари узатар, савол-жавоб-

СОЛИҚЧИ ШОХИДА, СОТУВЧИ БАРГИДА

дан жағи ҳам тинмасди.

Ҳаройиб савдо давом этаверди. Нега гаройиб дейсизми? Шунинг учун гаройибки, бу ерда савдо қилиш қондаларига мулкка амал қилинмас, боз устига ҳамма бепарво эди. Бу қанақаси, деб сўрағувчи шоввоз ҳам топилмасди. Ниҳоят миқозлар сал сийрақлашди. Шу пайт бир йиғича қутидан ниманидир олиб кириб, пештахта ортига яширди, иккинчисини ҳам зумда саранжомлади. Қўти бикинидаги ёзувнинг биргина сўзини ўқиб қолишга улгурдик, холос: «Козгонистон...»

(Давоми 2-бетда)

МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

Буюк инглиз драматурги Уильям Шекспир: «Дунё театрға, одамлар эса актёрларға ўхшайди», деган экан. Демак, дунё бу - сахна...

У бу сўзларни қай маънода айтган маълум эмас, қизиғи, у ишлаган Лондондаги машҳур театрнинг номи «Глобус» эканлигини билар. Глобус - ер шари демак. Ер шари эса мудом айланишда... Саҳна ҳам... мисоли кур-

27 МАРТ - ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ

раи заминдек тинимсиз айланади. Балки, буюк драматург айни шу ўхшашликни назарда тутдимикин? Ер айланаверади, сахна айланаверади... Замонлар, воқеалар, шахслар алмашинаверади... Турфа одамлар, турли хил тақдирлар кўз олдингиздан ўтаверади... ўтаверади...

Театр! Мана шу биргина сўзнинг ўзи ҳаёт ҳақиқатини ойдинлаштириш, томошабиннинг қўлига кўзга тутиб, умр чорраҳаларида дуч келиб, олий мақсаддан чалғитувчи иллатларнинг аянқ оқибатларини кўрсатиш, эзгулик ва нафосатга чорлашни аналатади.

(Давоми 4-бетда)

ХИКМАТ

Осмон бўлсанг ерга эгилмоқ яхши, Тупроқ бўлсанг кўкка интилмоқ яхши, Нотавон, бечора бўлмағил зинҳор, Ғайратда, ҳимматда бўл порлоқ, яхши.

Абдуқодир БЕДИЛ

Боши 1-бетда

Республика табиатини муҳофаза қилиш кўмитасига қарашли «Био-назорат» инспекцияси мутасаддиларининг айтишича, республика бўйича қанча кўчат бор, уни қаерларга экиш керак, бу ниҳолларнинг қанчаси кўриб кетати ва бу ишларни ким назорат қилиши лозим, масъулиятсизликка йўл қўйган кишиларга қандай жазо чоралари қўрилади, буларнинг бари қозғода бор, бироқ амалда бу иш бажарилмаяпти. Ҳар йили миллион-миллион туп ниҳол экилади, бу ишга юз минглаб кишилар, техникалар жалб этилади, қанча вақт, иш кучи ва сарф харажатлар қилинади. Таасуфки, кўчат экиладию япроқ чиқаришни кутмасданок ҳамма уни унутати, баъзида ниҳолни қорамол еб кетса, ҳоҳида устидан техника юриб ўтади, қолгани оддий эътиборсизлигу сувсизликдан қуриб қолади. Каттаю-кичик раҳбарлар эса юқорида бунча кўчат эдик, деган ҳисоботларни бериш, шу орқали оғиз кўпиртириб макташни билан овера. Азбаройи ҳамма ёқни кўчат босиб кетгандек.

«Ҳамма гап одамларнинг ўзини боғлиқ, - деди Сайхунобод туманидаги «Гулистон» ширкат ҳўжалиги раҳбари Хўроз Ашуров, - 1996 йилгача бизда ҳам аҳвол шундай эди. Эсимда ўшанда вилоят ўрмон ҳўжалиги бошқармаси ташкил этилган ва унинг ихтиёрига ҳар бир туманда майдонлар ажратилган эди. Шунингдек, турли жойлардан энг яхши кўчатлар келтирилиб экилади ва ўрмонлар бунёд этилди.

Хўроз Ашуров ҳўжалик ҳар йили ўз худудида экилган теракларни кесиб сотиш эвазига миллионлаб сўм даромад қилаётганини ҳам яширмади. Кесиб олинган дарахтзор яхшилаб бир суворилас, озгина ўғитилса бас, тез орада тагин ниҳоллар уни чиқади. Томири ерга чуқур ботгани боис тўққизинчи ёнидан униб чиққан ниҳол тез воёга етади.

«Ота-боболаримиз ниҳол эк, боғ ярат, деб беҳиз айтишмаган, - дея сўзини давом эттирди Хўроз Ашуров. - Кўчат эккан, дарахтзорлар яратган кишиларни ҳаётим давомида кўп кўрганам, ҳаммаси барака топган. Уларнинг барини эл алқаяпти. Шунинг учун биз бу йил ҳўжалик оқсоқоллари билан келишган ҳолда 2 миллион дона терак қаламчаларини экишни бошладик. Ёшлар бу ишга астойдил киришган. Айнисика, уларни шу ишга илҳомлантирган Абдурахмон отанинг фикри менга жуда ёқди. У ёшларга муурожаат қилиб «Хой, ўғилларим, буй ерга йигитнинг бир пайкал тераки бўлмаса уят, уни яратиш эса кийин эмас. Экинглари қаламчаларни, эр-

тага уйланиб иморат кураман десанглари тайёр ёғоч-да», деди. Хўроз Ашуров илгари далани кўйинг, колхознинг идораси олдида нима экишни ҳам юқори белгилаб берганини, бунга амал қилмаган киши шахсий манфаатини ўйлапти, деб неча жойга тергов берганини ҳам айтди. Бугун ер ҳам дала ҳам деҳқоннинг қўлида. Пай-

қўл урдим, - деди Очил Қобилов. - Фермерликни ташкил этганимга саккиз йил бўлиб қолди. Қаранг, вақт бирпасда ўтиб кетар экан. Терраччилик ҳаёлимизда йўқ эди. Чорвачилик билан шугулланишни ният қилганим. Албатта, бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Наслдор қорамоллар, кўй-очки сотиб олиш, хашак жамғариш, янги молхона

шани бошига тушган одам биларкан. Мен ҳам иморат курмай ҳеч гапдан беҳабар юрареган эканман. Кейин отам олдида чакирди-ю «Хов» ланинг бир четига терак экиб қўй деганимда, қулгандинг ўғлим. Мана кўрдингми, зарур маҳал пулга ҳам дидинга мосини тополмайсан. Шунинг учун ҳали кеч эмас терак эк, керак бўлади, ишонвер», де-

ТЕРАК - ҲАММАГА КЕРАК

қалнинг ҳар қаричидан унумли фойдаланган киши борки, ютапти. Хўш, шундай эркинлик берилган экан, нега ариқ-зовурларнинг чети-га дарахт экмаслик керак, нега ёғочни четдан келтириш керак экан.

Хўроз ака билан узоқ суҳбатлашдик. У гап орасида галлаороллик бир фермер терак етиштириб сотиш орқали катта даромад олаётганини ҳам айтиб қолди. Унинг тақлифига кўра, фермернинг теракзорига ошиқдик.

Кўкларм ўз сепини ёйган, қир адирлар яшилликка бурканган. Кишининг димоғига чўчмоқалару турфа хил ўт ўланларнинг ёқимли хиди уради, кўнгил шу ерда умр-бод қолсам дейди. Таърифга сизмас манзара. Гуё Фаллаорол даштлари оғир ўйқудан уйғонгандек. Юрак баҳорини соғингани рости. Ерни бодроқдай туртиб чиққан ва энди куч олаётган ўтларни авайлаб ўтгинг келади.

Биз кўзлаган жой шаҳардан кўп эмас оз эмас 25 километрлар узоқликда жойлашган экан. Мўжазгина кишолқда 8 гектарлик теракзор барпо этилган. Унинг соҳибини ўзини Очил Қобилов деб таништиради. Элликлардан ошган бўлсада биров уни шу ёшга кирган деб ўйламайди, қарашлари ўктам. - Отамнинг гапи билан шу ишга

куриш... Ҳамма ишни қилдим, фақат молхона қуришга келганда қурилиш материалли, тўғрироғи, ёғоч масаласи мени бирос қийнади. Биласизми, томинг устига ярайди турмуши кезиб қидим. Яхши ёғоч от-



дилар. Шуйтиб мана шу теракзорни барпо этганман. Фермернинг теракзорини айландик, ўрмонни эслатади. Дарахтларнинг олди кесиб олинапти, бу тахминан 35 минггани ташкил этади. Ҳар бир кесиб олинган дарахт 15 минг сўмдан сотилапти. Агар хариддорнинг ўзи кесиб олса, Бўлмаса ундан ҳам қимматроқ. Иккинчи пайкалга беш илгари 40 минг дона қаламча экилган экан. Уларнинг тахминан 95 фоизи ўзини тутиб кетган.

-Теракзоримда 108 мингта дарахт бор, - сўзини давом эттирди фермер Очил Қобилов. - Бу йил тагин 25 мингта қаламча ўтқаздим. Ҳоҳида бу иш билан нега ўсмирликдаёқ шугулланмадим-а, деб қоламан. Рост-да, жуда завқли иш. Кеч куз дарахтларни бутқоқлаб йилган хивчинлардан қаламчалар тайёрлаб қўясан. Қантар оғдими бас, ариқчалар қазасану икки тарафига қаламчаларни бир текис экиб чиқасан. Пайқон бўлишидан асраб турсанг мана бундай катта дарахтзор пайдо бўлади.

Фермернинг айтишича, терак бир мўжизавий дарахт. Уни эккан ҳам парварши қилган ҳам кесиб, нимагадир ишлатган, сотган ҳам барака топади, - Биласизми? - дея соддалик би-

лар кулади фермер. - Мендан бекиткича кетмон даста учунми ёки хасса тарзидами хуллас нимагадир кесиб олган киши борки, алқайди. «Шу Очилбойга раҳмат-э теракзорни бор экан шуни олди», дейди. Ёғоч сингунча ё эскириб йўқолгунча гапирди. Э, ука бунинг савобини айтинг.

Фаллаоролда бугун кўпчилик Очил ақанинг теракларидан фойдаланмоқда. Фермер кимгадир терак сотса яна кимга қаламчалар тайёрлаб берапти. Табиатга шайдо кишилар у яратган саккиз гектарлик ўрмонни бир айлиниб хордиқ чиқаради. Фермер уларга шу дарахтлар орқали келган маблағ туфайли кишлоққа 3 километр узоқликдан газ келганини, мактаб биносини бунёд этилганини гапириб беради. Бундан ташқари кишлоқнинг бирор байрами йўқки фермернинг химмати кўшилмаган бўлсин. Бу энди одамларнинг эътироби. Шунинг учун ҳам Очил ақани каттаю кичик бойбува, деб атайди.

- Ҳар тонг дарахтзорни бир сидра айланман. Қунбўйи қилинадиган ишларни чамалайман, - дейди Очил ака теракзор ўртасига қўйилган чорпоёда ўтираркан. - Сўнг шомолда тебранаётган дарахтларнинг шовуллашига қулқ тутаман. Кўнгил ором олади.

У энгил тин олади. - Ҳадемай дарахтлар япроқ чиқаради. Сўнг шомолда эркаланаётган дарахтларнинг овозини эшитаман. Ана шунда яна бир келинг, ука.

Фермер билан ана шундай хайрлашдик. Тошкентга келаяпману неча ўнлаб километрларда доврахат кўрмай ажабланаман. Нега бу ерлар бўм- бўш? Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ерлари. Ўнлаб каттаю кичик ариқлар чети бўм-бўш. Баъзи жойларга минг бир машаққат билан экилган дарахтлар қаровсиз қолган. Балки бунинг учун ҳам алоҳида ҳукумат топшириғи керакмикин? Балки шу йўлларга туташ ерларни олган деҳқонлару ижарачилар, фермерлар ўйқудан уйғонмагандир. Негаки, бошқа жойларни қўйтарайлик, шу уч вилоятдаёқ фермерларнинг ўзи ўн минг нафардан ошади. Агар уларнинг ҳар бири юзтадан, мингтадан қаламча экишганда эди, ҳамма ёқ яшилликка бурканиб кетмасмиди? Буни ташкил қилиб, амалга ошириш қийинмикин?..

Мени худди шу саволлар оғир йўга толдиради. Абдунаби ЭРГАШЕВ

ЭТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

ЭЛЕКТРОН БОМБА ҚЎЛЛАНИЛДИ

АҚШ қўшинлари Ироқда кичик тўлқиндаги электрон бомбани ишга солганлар. 1999 йили Югославияда фойдаланилган бундай курул электрон технологияга асосланган радар тизимини, компьютер ва бошқа шунга ўхшаш техникаларни ишдан чиқариш имкониятига эга.

Ушбу электрон бомба қўлланилганидан сўнг, Ироқ телевидениеси ишдан чиққан. Ҳозирда иттифок кучларининг Бағдогда кириб боришлари учун қумли бўрон жиддий тўсиқ бўлмоқда. Лекин, шунга қарамай, харакатлар давом эттирилмоқда.

Саддам Хусайннинг бомба ҳужумларидан сакловчи бир неча бошпаналари ҳақида ёзган «Аз-Замон» газетасининг билдиришича, бошпаналар ўз эгасини 20 килотонналик бомбалар зарбидан ҳам ҳимоя қила олади. Бу ҳақда газетга 1970 йилларда мазкур бошпаналарни қуришда иштирок этган югославиялик истеъфодаги подполковник Рисад Василич маълум қилган. Шунингдек, бошпаналарда 6 ойга қадар ҳаёт кечириб ўтган шароитлар яратилган.

БУШ КОНГРЕССДАН ПУЛ СЎРАМОҚДА

АҚШ президенти Жорж Буш мамлакат конгрессидан Ироқ уруши харажатларини қоплаш, иттифоқчиларга молиявий ёрдам бериш ва ички хавфсизликни таъминлаш учун 74,7 миллиард доллар миқдорда маблағ ажратилишини сўради.

Жорж Буш маъмурияти ички хавфсизликни таъминлаш учун қўшимча чоралар кўриш борасида 5 миллиард доллар сарфлашни режалаштираётган бўлса, ўз иттифоқчиларини муқофотлаш учун 8 миллиард доллар ажратмоқчи. Бундай молиявий кўмаклардан Туркия, Иордания, Исроил, Миср, Филиппин ҳамда Колумбия давлатлари баҳраманд бўлишлари мумкин. Ҳарбий операцияларнинг биринчи кунига қадар эса АҚШ ўз қўшинларини Форс кўрфазига келтириб, жангга тайёрлаш учун 30 миллиард доллар сарфлаган эди, дея хабар беради «Рейтер» агентлиги.

ВЕРТОЛЁТЛАРНИНГ БИРИ ТОПИЛДИ

Бир ҳафта аввал Чеченистонда йўқолган Россияга қарашли иккита «Ми-24» вертолётининг бири топилган, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги.

Россия Федерацияси ҳарбий ҳаво кучлари матбуот хизмати бошлиғи полковник Александр Дробышевскийнинг айтишича, ҳаводан туриб олиб борилган қидирувлар натижасида денгиз сатҳидан 2 минг километр баландида жойлашган тоғли худудда вертолётларнинг бири турганлиги аниқланган. Бирок, унинг экипаж аъзолари ва иккинчи «Ми-24»нинг тақдири ҳозирча номаълум. Эслатиб ўтамоқчи, 20 март куни Хонқальдада аэродромдан парвоз қилган вертолётларнинг ҳар бирида иккитадан жами тўрт нафар учувчи бор эди.

ЦЕЗАР ҲАҚИДА ҚАЙТА ҲАҚИҚАТГА ЭРИШИЛДИ

Патологаномлар, руҳшунослар, криминалистардан иборат гуруҳ Юлий Цезар ўлимининг замонавий методлар асосида ўрганиб чиқдилар ва уларнинг текширувлари натижалари Италия телевидениеси орқали намойиш этилди.

Экспертлар ҳулосасига кўра, Цезар сенаторлар гуруҳи томонидан ўзига суиқасд уюштирилишини олдиндан сезган. Ва ўз ёнида турган суиқасд иштирокчилардан бирининг аниқ ҳамда кучли зарбаси туфайли ҳалок бўлганлиги тахмин этилмоқда. Цезарнинг сўнгги 1 кунини алоҳида ўрганиб чиққан экспертлар гуруҳи бошлиғи, полковник Лучано Гарафанонинг айтишича, фоҳиша юз берган кун эрталаб сенат йиғилишида қатнашмаслик учун хотини томонидан айтилган гапни Цезар эътиборга олган ва бошқа оғохлантиришларга қарамадан қўриқчиларини қўйиб юбориб, унинг яқна ўзи сенат йиғилишига борган.

ГАРОВ ЭВАЗИГА ОЗОД ЭТИЛДИ

Ушбу ҳафта аввалида россиялик Борис Березовский ва «ЛагоВАЗ» раҳбарларидан бири саналган Юлий Дубовлар Буюк Британия ички ишлар вазирлиги қақчилган ва ҳибсга олинган эди.

Сўнгрок эса уларнинг ҳужжатлари олиб қилиниб, 100 минг фунт эвазига гаров тариқасида озод этилганлар ва зарур вақтда қаққиртилганда полиция маҳкамасига келишлари учун тилхат олиб қолинган. Россия федерацияси томонидан Волжск автомобил заводида 2 мингдан ошмироқ автомобилларни ўғришга сотиб юборишда айбланаётган Березовский ва Дубовлар устидан Россия буюк прокуратураси ҳалқоро қидирув эълон қилган эди. 2 апрел куни эса уларни Россия ҳукуматига бериш масаласи Буюк Британия суди томонидан кўриб чиқилди. ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.

ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ИМКОНИЯТ БОР

Оқолтин тумани ер майдони бўйича вилоятда етакчи ўринда турса-да, аҳоли унчалик зич эмас. Деҳқончилик ва чорвачилик учун имкониятлар даражаси эса бошқа жойлардагига қараганда юқорирак. Туман раҳбарлари маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб ер тақсимлашда оқилона йўл туттишди. Ерни яхши тушунадиган, тадбиркор, тажрибали деҳқон ва фермерларга ўнлаб гектар экин майдонларини ажратиб беришди.

Хўш, оқолтинлик фермерлар ўзлари учун яратилаётган бундай имкониятлардан қандай фойдаланишмоқда? Оқолтин туманида бўлганимизда фермерлар билан шу ҳусусда суҳбатлашдик.

-Кирқ гектар еримиз бор, - дейди «Юспун» фермер ҳўжалиги раҳбари Эргаш ака Юсупов, - ўтган йили ихтиёри-миздаги ерининг 12 гектарига галла, 28 гектарига пахта эккандик. Табиий ноқулайликларга қарамадан белгиланган режаларни ортиғи билан бажардик.

Суҳбатга «Наргиз» фермер ҳўжалиги раҳбари Саид-бурхон Мухидинов қўшилди: -Бизга ҳам 68 гектар ер ажратиб берилган 26 гектарга пахта, 20 гектарга галла, қолганига полиз экинлари эккандик. Ҳўжалик йилни юқори кўрсаткичлар билан аяқландик. Шунингдек, тумандаги «Анвар» ва «Тўқмоқ» фермер ҳўжаликлрининг қўлга киритаётган ютуқларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

- Оқолтинда фермерлар сағфи кенгайиб бормоқда. Уларнинг шижоати баланд. Астойдил ғайрат қилишса, кўзланган режалар амалга ошиши шубҳасиз.

Р.ТОЖАЛИЕВА

ХИТОЙ ТЕГИРМОНЛАРИ ВА ЖУВОЗЛАРИ СОТИЛАДИ!

Хитойда ишлаб чиқарилган ун, гуруч тегирмонлари, зиғир, масхар, листа, қунжўт жувозолари ҳамда уларнинг эҳтиёт қисилари сотилади.

Манзил: Тошкент, Юнусобод-18, 37-уй, 26-хонадон. Тел.: 8(371) 182-49-22; 8(3712) 22-24-74.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Ойбек номида 115-мактаб томонидан Қадирова Комила номига берилган О'Р-Д 035802 рақамли таянч маълумот ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент тумани ички ишлар бошқармаси томонидан 1998 йил 28 февралда Артикава Гулмира Туробовна номига берилган СВ 0920607 рақамли паспорт ва IV-ЮС № 268626 рақамли никоҳ гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармаси томонидан 1995 йил 14 ноябрда Абдуллаев Рустам Абдулганович номига берилган СА № 0101309 рақамли паспорт ва 2002 йилда Собир Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан берилган 523050 рақамли патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

2-Тошкент медицина билим юрти томонидан 1991 йили № 2312 кайд этиш рақами билан Шарипова Феруза Абдуғафуровна номига берилган РТ-1 356995 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Политехника институти томонидан 1987 йили Плотнокова Елена Кузьминична номига берилган ИВ-812270 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“ДУНЁ-М” ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИДА

2003 йил 17 мартда бўлиб ўтган акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган қарор ЭЪЛОНИ

1. «Дунё-М» очик акционерлик жамиятининг 2002 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти ижобий баҳолансин;
2. Акционерлик жамиятининг 2003 йилги даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқлансин;
3. Акционерлик жамиятининг 2002 йилдаги молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудитор ҳулосаси маълумот учун қабул қилинсин;
4. 2002 йилги молиявий-ҳўжалик ҳисоботи бўйича, аудит ҳулосасига асосан ҳар бир акцияга 1000 сўмдан дивиденд тақсими тасдиқлансин;
5. Акционерлик жамияти тафтиш комиссияси қўйидаги таркибда тасдиқлансин:
 1. Хўжаннўзов Нозим
 2. Ботиров Азамат
 3. Тойлоқов Ҳурал
 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида:
 1. Бекбоев Суннат Бекбоевич
 2. Салимов Хайрулло Тўхтаевич
 3. Очиллов Ғайбулло Нарзуллаевич
 4. Дилмуродов Ихтиёр Дилмуродович
 5. Қувватов Вали Раҳмонович
 6. Ишқобилов Фуркат Жамалович
 7. Абдуллаев Шухрат Нематджович

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

“ДУНЁ-М” ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭМИССИЯ ПРОСПЕКТИ

I. Эмитент ҳақида маълумот:

1. Эмитентнинг тўлиқ ва қисқача номи: «Дунё-М» очик акционерлик жамияти, «Дунё-М» ОАЖ.
2. Юридик манзили: Қарши шаҳри, Шайхали кўрғони, Олтин бошоқ кўчаси.
3. Ташкилий-адлиявий шакли: очик акционерлик жамияти.
4. Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси ҳузурдаги Қимматли қозғолар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2001 йил 19 ноябрда Р 0380 сон билан эмиссия проспекти рўйхатга олинган ва 2003 йил 10 январда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига асосан ҳамда ДМҚнинг 29.01.03 й. №91 сонли буйруғига асосан «Дунё-М» ОАЖ деб номланган. Марказнинг 24.02.2003 йилдаги 15-07/12 сонли қарорида эмиссия рисоласини «П» бўлимининг 1 ва 2 бандларига ўзгартириш киритилган.

II. Акциялар тақсимланиши:

Жами			Давлат улуши			Меҳнат жамоаси улуши			Эркин савдо улуши			Чет эл инвесторлари улуши		
минг сўм	дона	%	минг сўм	дона	%	минг сўм	дона	%	минг сўм	дона	%	минг сўм	дона	%
179317,0	179317	100	44829,0	44829	25	17932,0	17932	10	71727,0	71727	40	44829,0	44829	25

ЖАМИ: 179317 та акция (100%) нақдсиз кўринишда чиқарилган.

ТАЪЛИМ
"ЗИЁ"
СТИПЕНДИЯСИ -
АЪЛОЧИЛАРГА

Сарниёб тумани халқ таълими бўлими қўшида таъкил этилган "Зиё" жамғармаси туман ҳокимининг қарорига асосан 2001 йили ташкил этилган эди. Унинг фаолият кўлами ойма-ой кенгайиб бори...

Омонулла Абдуллаев деган дўстим бор. У Шофиркон туманидаги болалар ва ўсмирлар ижодий библиотекада узоқ йиллардан бўлиб фаолият кўрсатиб келаятган "Наъматак" ёш ижодкорлар тўғрагини бошқариб келади.

олам сўзлади. Мен қувониб тингладим. -Омонни бемалол шофирконлик Файратий деяверинг, - деди у. - Бир вақтлар Файратий, Миртемир тўғрагини нозир қилганлар ҳозир адабиётимизнинг устунларига айланишган. Омон...

кор билан эринмай ишлади. Амалий машғулотларда шеърлар мисрама-мисра таҳлил қилинади. Янги фикрлар чиройли ташбеҳлардан биринчи бор устознинг ўзи қувонади. Яхши деб топилган шеърлар туман матбуоти орқали эълон қилинади. Шеър газетда босилган ёш ижодкор хис-ҳаяжонини яшролмай янада завқли ижода шўнгийди.

Омон Абдулла шогирдларини яхши кўради. Шунинг учун энг яхши шеърларни саралаб юради. Мақсади тўғрақ аълочиларнинг жамоа баъзини нашр эттиришдан иборат. Шоир Омон Абдулланинг "Наъматак"чилари нафис бўй таратишга қиришганига анча бўлди. Элас-эласлардан янада жангдор шеърли овозларнинг саси аниқ-равшан эшитилиб турибди. Юнус ака тўғри таъриф бердилар. Ҳақиқатдан ҳам Омон Абдуллага Файратий долманинг хасослиги, шаффофлиги-ю, тиник феъли бор.

СПОРТ ОЛАМИДА
ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ
Мазлумки, 4 апрелда Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини таъминловчи учун имом ал-Ҳаким ат-Термизий номидаги хотира турнири халқаро миқёсда ўтказилди.

Жаҳоннинг кўпгина давлатлари полволлари иштирок этиши мўлжалланаётган ушбу нуфузли турнирни бекаму кўст ўтказиш, унда иштирок этиши мўлжалланган полволларининг тайёргарлигини маромига етказиши таъминлаш ва келгуси режаларни белгилаб олиш мақсадида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида мутасаддилару мутахассислар, мураббийлар иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда қатнашган спорт мутахассислари 1993 йилдан бери ўтказиб келинаётган ушбу нуфузли мусобақани ҳар қачонгидан ҳам кўнглили ўтказиш чоралари ҳақида ўзаро фикрлашиб олишди. Йиғилишда жаҳон ахли томонидан тан олинган ўзбек кураши истиқболи учун бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Анджонлик Чавандозлар биринчи Мазлумки, чавандозлик ҳам ота-боболаримиздан бизга мерос қолган миллий спорт турларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда ёшлар ўртасида ушбу спорт турини янада оммалаштириш мақсадида кўплаб мусобақалар уюштирилаётгани қувонарли ҳол. Қуни кеча Тошкент вилоятининг Покент туманида улук-қўпқар бўйича мусобақа уюштирилди. Шуниси қувонарлики, мамлакатимиз вилоятларидан ташриф буюрган спортчилардан ташқари, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари чавандозлари ҳам голиблик учун кураш олиб боришди. Аммо турнир якунида биринчи ўринни Анджон вилояти жамоаси эгаллаган бўлса, иккинчи, учинчи ўринлар наманганлик ва сирдарёлик чавандозларга насиб этди.

ФОЛИБ ЖАМОА ТАҚДИРЛАНДИ
"ЖАР" спорт мажмуида куқуқ тартибот ходимлари жамоалари ўртасида футбол бўйича IV аънавий турнир бўлиб ўтди. Яшариш, янгиланиш аёми - Наврўз шукхи кезиб юрган аини қунларда уюштирилган ушбу турнирнинг бир худудидан жамоабанд Рақибларидан кўраш иш этган Ўзбекистон терма жамоаси турнир ва мусобақа ташкилотчиларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ОРЗИБОВЛАР ГОЛИБ ЧИҚДИ
Болалар спортини ривожлантириш, иқтидорли спортчи ёшларни кўплаб-қувватлаш мақсадида Қирғули туманидаги "Кимёгар" спорт мажмуида спортнинг бир неча турлари бўйича спартакиада уюштирилди. Ҳаёт қизиқари ва мурасосиз кечган баскетбол, армреслинг, арқон тортиш, узунликка сакраш, югуриш мусобақаларида 12 жамоа ўзаро куч синашди.

АНЪАНА БУЗИЛДИ, ЛЕКИН...
Жизза вилояти Фаллаорол туманидаги 30-ўрта мактабда футбол, волейбол, миллий кураш бўйича туман мусобақалари уюштирилди. Шуниси аътиборликки, илгари бундай турнирлар Фаллаорол шаҳридаги барча қулайликларга эга спорт мактабида ёки ўйингоҳда ўтказиларди. Бу сафар эса аънава бузилиб қишлоқда ҳам болалар спортини оммалаштириш мақсадида туман миқёсдаги мусобақа мактабда ўтказилди. Шуниси қувончлики, мусобақага тайёргарлик кўриш мақсадида Фаллаоролдаги 30-мактаб стадиони ҳамда спорт майдончаси тўла таъмирдан чиқарилди. Ун жамоа иштирок этган ушбу мусобақаларда 30-мактаб ўқувчилари яхши натижаларга эришганиликлари таъсирчан сазовор. Айниқса, кураш мусобақаларида мактаб полволлари эришган ютуқлар қўлчиликни ҳайратта солди. Шу боисми, турнир якунида мутасаддилару маъзур мактабининг кураш тўғрагини бошқариб келаётган мураббий Ҳабибулло Саримсоқрава ҳам қимматбахш совға - телевизор ҳадя эттишди. Негатки, собиқ милиция калитани, спорт устаси, кураш бўйича мамлакат чемпиони Саримсоқов оғир дард туғайли ногиронлар аравачасида юришига қарамай, 30 нафар ёш полволларга кураш сирларини ўргатди. Шуниси қизиқки, унинг шогирдлари ушбу мусобақада махсус спорт мактабларида малакали мураббийлар қўл остида тарбияланаётган тенгдошларидан ҳам эмасликларини исботлаб, совинлиги ўринлар эгасига айланишди.

ҒАЙРАТИЙНИНГ
ШОФИРКОНЛИК ШОГИРДИ

нинг ҳам шогирдларидан 2-3 таси китобчаларини чоп эттирдилар. Шахобиддин Уринов, Шодмон Сулаймон, Навбахор Рахмонова, Мархабо Умидова, Мақсуд Асадов сингари илк қалдирғочларимизнинг бири шоир, бири фан номзоди, бири Зулфия

сида 10-15 қақирим узоқ масофадан қанаётганлари ҳам бор. Битта яхши мисра илинжи уларнинг кўнглиларини "Наъматак"ка боғлаб турибди. Ҳозир ҳам тўғрақда қўли келишиб қолган ёшлар талайгина. Омон Абдулла хар бири ёш ижод-

Театр ўзи нима? Унинг ва-
зифаси нималардан иборат?
Актёрларимиз давр талаби ва
замон руҳини нечоғлики идрок
этишяпти? Бугунги суҳбатдо-
шимиз - Ўзбекистон халқ арти-
сти Яйра Абдуллаевага шу ва шу
каби бошқа саволлар билан
муружат қилдик.

-Яйра опа, суҳбатимиз аввалида сизга аънавий савол бермоқчиман. "Беш" рақами ҳусусида фикрингиз?
-Биласизми, инсон беш рақамини доимо ёъло натижа, деб тушунади. Шу билан бирга халқимиз орасида кенг тарқалган "беш панжанинг озининга тикма..." ёки "беш қўл баробар эмас..." каби пурмаъно маколларни ҳам қўл эшитамиз. Қаранг, биргина беш рақамдан қанчалар маъно топса бўлади. Лекин ҳозир, билишимча, бу рақамни мактабда камдан-кам ишлатишяпти. Энг юқори натижа ўн баллик тизим асосида эмши. Барибир, бешининг ўси бошқа да...

ҚИШЛОҚИНИНГ МУЗЕЙ БОРМИ?

Фақат шаҳарлардагина музей бўлади, деган тасаввурдаги кишилар бу саволга йўқ дег жавоб берадилар. Аммо Хоразм вилоятидаги кўплаб қишлоқ ахли баралла "ах" дейишлари мумкин.

Маънавият таъкидлаш жоиз бўлади. Ёхуд Урганч ёё-мой заводидидаги ўлка-шўснослик музейи ҳақида ҳам шундай фикрларни кайд этиш мумкин.

Қаҳрамони Машарип Қувқор бошлиқ ширкат хўжалигида бўлишди. Гуржурба Чаръёв Холстер қишлоқ музейини томоша қилаётиб фотосуратларнинг бири олдида узоқ туриб қолади. Бу иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, шу қишлоқда узоқ йиллар бригадирлик қилган Исқандар Сафоевнинг сурати эди.

Бешинчи қаватда беш дақиқа суҳбат
"САҲНАДА ТУҒИЛГАНМАН"

атаб ёзилган образ қайси?
-Ҳаммаси ҳам мен учун бирдек кадрли. "Бу ролим яхши, манавий ёмон" дейламан. Чунки, она ҳамма боласини бир қўз билан қўради-да. Соғлом боласига берган меҳрини ҳеч қачон ногирон фарзандидан аямайди.

чилари билан олиб борилаётган муҳорабани тўхтатишга чакирлади... Хуллас, асарининг ўзи чўқур психологик жараёнга қурилган бўлиб, томошабинни фикрлашга, мушоҳада юритиш ва тарихий ҳақиқатда баъдий тўқиманинг аҳамиятини аниқлашга ундаб, бугунги замон қаҳрамони қўёфасини аждодларимиз тисмолида кўрсатиб беради.

қошона қад кўтариб турибди... Бунинг учун Юртбошимизга, санъатсевар халқимизга қанчалар ташаккур билдирсак ҳам озлик қилади.
-Сизнингча, театрнинг асл вази-
фаси нима?
-Асл вазифа бу - ташвиқот. Аммо яхши ташвиқот. Театрнинг вазифаси, томоша-бинларга қўлу тулғи ҳамда ўзларини тизиб олишлари учун имконият йўлини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Дунёда ҳеч нарса жавобсиз қолмаслигини уқтириш, азғулик, савоҳат ва нафосатга чорлаш... Мана шулар театр санъатининг бош мезони саналади.

МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

(Боши 1-бетда)
У ҳаётнинг бир бўлагини акс эттирган ҳолда кишилар қалбига яхшилик уруғини сочишга ҳизмат қилади.
Ўзбек театр санъатининг тарихи у қадар улкан эмас. Ўтган асрнинг бошларида, чоризм истибдодидан зўлаётган ўлка халқини озодлик ва эрка ундаш, икхтимоли зиддиятлар ҳамда чекланган дунёқараш эгаси бўлган оддий аҳолини илму урган орқали ёруғликка чиқариш умидида маърифат ва янгица дунёқарашни тарғиб этган жадидларнинг ҳизмати беиз кетмади. Улар хар бир соҳада бўлгани каби, театр соҳасида ҳам қаттадан-қатта ютуқларни қўлга киритишди. Жадидлар театрини кўнглишхулик маскани деб эмас, балки журмат қилишга арзийдиган маърифат, ибрат

ўчоғи деб билдилар. Жадидлар ташаббуси, саъй-ҳаракати билан ўлкамиз учун янги, Оврўпо маконидаги театр санъати юзига келди. Бехбудийнинг "қўмаган боланинг аҳолидан оғох отувчи" "Падаркуш" фожиаси билан ўзбек театри тарихи бошланди.
Махмудхўжа Бехбудийнинг 1914 йили "Ойна" журналида чоп этилган "Театр надур?"

мақоласида шундай сатрлар бор: "Театр ибратномадир, театр ваъхонадир, театр таъзир адабидир. Театр ойинадурки, умумий холирани анда мужассам ва намоен суратда... кўруб зарарлик одат, урф ва таомилни, қабих ва зарарини айнан кўрсатувчидир".
"Турон" труппаси ташкил топганидан бошлаб то бугунги қунимизгача бу муқаддас даргоҳ кимларнинг истеъдоди, санъати ва маҳоратидан баҳра олмаган дейсиз? Манон Уйғур (Мажидов), Етим Бобоқонов, Шукур Бухонор, Аброр Ҳидоятлов, Сора Эшон-Тўраева, Тوشхўжа Хўжаев, Шариф Қайумов, Раззоқ Хамроев, Олим Хўжаев, Тамарахоним, Лутфиқоним Саримсоқова

маданий ҳаётимизда қатта воқеа бўлди.
Бугунги кунда театрларга ҳам моддий, ҳам маънавий эътиборнинг юксалиши қўйилган спектаклларда ҳам ўз аксини топмоқда. Мисол учун, 1998 йили республика-миз театр жамоалари томонидан 116 та янги асар сахнага қўйилган бўлса, 1999 йилда 134 та, 2000 йилда 130 дан ортик, 2001 йилда ҳам деярли шунча спектакл томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Ўтган 2002 йилда эса мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 37 та профессионал театр сахналарида 120 дан ошиқ янги спектакль сахналаштирилди ва уларнинг деярли ҳаммаси театрлар репертуаридан мустаҳкам ўрин эгалладилар.
Театр - бу ҳаёт кўзгусидир. Демак, унинг салоҳияти, залвори шунга яраша бўлиши, актёрлар оддий одамларга нисбатан бири қадам юқорида эканликларини хис қила бошлашлари лозим.
Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ

РИВОЯТ

Қадимда бир кампир қатта йўлнинг ёқасида яшар экан. У кечаю кундуз: "Парвардигор, ёлғиз боламни ўз паноҳингга ол!" дея, дуо қиларкан.

ТОПҚИР КАМПИР

Кампирнинг мунгли зорини шу ердан хар қуни ўтадиган уч ўғри эшитар экан. Бир кун кечаиси ана шу ўғриллар кампирнинг уйига ўғирликка тушмоқчи бўлиб, девдордан ичкарига қулоқ тутишибди. Кампир ўғриларнинг келганини сезиб, боласига айтдики тилак орузсини қўйиб, сувени шопира бошлади.
"Шопириб, - шопириб Шодмонга бер, қўйиб-қуйиб Қурбонга бер, тўрда ўғрилган тўртовга бер, эшикдаг икковга бер, ўзинг ичиг менга бер, ухлаб ётганлар балони исчит".
Бу сўзни эшитган ўғриллар: "уйдагилар биздан кўп, ҳеч нима олиб бўлмас экан", - деб ортларига қайтиб кетишибди.

Т.КИДИРОВ

ИККИ БОШЛИЛАР

Табиятнинг не-не сирли мўъжизалари инсониятнинг ҳамон ҳайратда қолдириб келмоқда. Шундай ажайиб мўъжизалардан бири икки бошли инсонларнинг мавжудлигидир. Тарихдан маълумки, одам ҳамда ҳайвонот оламида икки бошлилар ҳам учраб турар экан.
ХII асрда ашаган Тайту исмли қадимки Хитой ҳуқумдори Биррор мўъжизали нарса топиб келишга фармон берган. Узоқ изланишлардан кейин, хизматчилар пакана, бўйи бир қарич, икки бошли аёлни хоннинг олдига олиб келишди, у фаройиб мўъжизадан қувонибди. Аёлнинг хурмати учун оламда йўқ сарой қурдирибди. Ҳозир бу фаройиб сарой асраб-авайлаб сақланмоқда.
Ўрта асрлар харбий хроникасидан маълумки, 1697 йили немис ҳуқумдори Леопольд билан турк хони Мустафо ХII ўртасида бўлиб ўтган жангда немислар турк миллатига мансуб икки бошли харбийни қўлга туширишган. Унинг фарқи - икки бош бирдан икки томонга бурилла олишди, ҳамда хар бош бири оданининг ҳизматини бажарган. У мерганлиги, удабурунлиги ҳамда қаҳрамонлиги билан одамларни ҳайратда қолдирган. Икки бошли асир немисларни алдаб, асирликдан

қочган.
* 1950 йили собиқ Иттифоқда ҳам икки бошли, икки танали Маша ва Даша исмли икки қиз туғилган.
* 1998 йили Американинг Анова штатининг чорвачилик фермасида икки бошли бузоқ туғилган. Жониварнинг боши иккита бўлган, бироз миёси битта эди. У, бирок ўзи икки бузоқнинг: емишини егани сабабли, соғлом бўлиб ўсган.
* 1999 йили Павлодарда туғилган икки бошли қиз ҳам табиат мўъжизаси сифатида тарих саҳифасига ёзиб қолдирилди. У янгица операция қилинди. Уни яна иккита операция кутмоқда. Биринчиси унинг ҳаддан ташқари узун тилини бири мейёрга солиш. Қизнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳозирда табибейт ходимлари бор имкониятларини ишга солишга шай бўлиб туришибди.

Boш муҳаррир: ҲАҚИМ РАҲМАТ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Азиз АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Фахрид ШЕРМУХАММАД (Масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекс таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирилқлар ва идоралар. ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона - 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43, котибт - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Коракалпоғон Республикаси - 8-361-58-512-17; Анджон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жизза - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8-369-43-311-81; Фаргона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-81; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадар - 8-375-22-517-65. Реклама ва эълонлар бўлими: телефони: 133-44-43, 136-58-83. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Реклама ва эълонлар матни учун бюрутмачи жавобгар: Навбатчи: Ш.ОРТИҚОВ.